

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
06.05.1999 й.
№ 223

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БИРЖА
ВА КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА
(ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори таҳриридаги Қарор номи)

Мазкур Қарорга куйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 01.05.2001 й. 198-сон Қарори,
ЎзР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарори,
ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори,
ЎзР ВМ 20.10.2011 й. 284-сон Қарори,
ЎзР ВМ 29.12.2012 й. 369-сон Қарори

1-илова. Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржалари савдоларида импорт контрактлари тузиш тартиби

2-илова. Ҳукумат қарорларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги боғловчи бўғин ҳамда бозор инфратузилмасининг таъсирчан механизми сифатида товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржалари савдоларида импорт контрактлари тузиш тартиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Республика товар-хом ашё биржаларининг ҳисоб-китоб (клиринг) палаталари тўғрисида Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсин.

3. Вазирликлар ва идораларнинг корхоналари ҳамда ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмаларига, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзоларига, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши аъзоларига битишувларни, қоидага кўра, биржалар ва ярмаркаларда тузиш тавсия қилинсин, бунда рақобат, қулайлик ва битишувларнинг ошқоралиги таъминлансин. (ЎзР ВМ 29.12.2012 й. 369-сон Қарори таҳриридаги банд)

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги товарлар ва хом ашёларнинг асосий турлари учун Биржалар Кенгаши томонидан тақдим этилган биржа котировкалари оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ўзларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда белгиланган тартибда мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А.Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.Каримов

**Вазирлар Маҳкамасининг
1999 йил 6 майдаги
223-сон қарорига
1-ИЛОВА**

Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржалари савдоларида импорт контрактлари тузиш ТАРТИБИ

Мазкур Тартибга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 01.05.2001 й. 198-сон Қарори,
ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори,
ЎзР ВМ 20.10.2011 й. 284-сон Қарори

1. Мазкур Тартиб "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва у тўлов ҳамда ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - "сўм"да назарда тутилган биржа савдоларида тузиладиган товарлар ва хом ашё харид қилиш бўйича импорт контрактларига жорий этилади. (ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори таҳриридаги банд)

2. Импорт товарларни биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган савдо майдончалари орқали сотувга қўйишда сотувчи ёки сотувчининг брокери биржага:

сотувга қўйилаётган товарга унинг мижозининг мулк ҳуқуқини, товарнинг мавжудлигини ёки ишлаб чиқарувчи корхона томонидан унинг тайёрланишини тасдиқловчи - кафолат таъминоти маблағларини тўлаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда, шунингдек товарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сотувчи томонидан имзоланган кафолат хатини;

кафолат таъминоти маблағлари тўланмаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда - омбор маълумотномасини;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

(ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

3. Банклар, бошқа кредит муассасалари ва суғурта ташкилотларининг белгиланган тартибдаги шартнома-кафолатномалари, кафолатлари сўм асосида биржаларда тузилган импорт контрактларини таъминлаш шакллари ҳисобланади.

4. Биржа савдоларида тузилган импорт контрактларида консалтинг хизматларининг нархлар даражаси ҳақидаги эксперт хулосаси талаб қилинмайди.

5. Биржанинг барча қатнашчилари учун реал вақт режимида ташкил этилиб ўтказилган биржа савдолари натижаларига кўра тузилган импорт контракти:

товар-хом ашё биржаларининг биржа савдоларида тузиладиган контрактларга идентификация рақамлари беришнинг тасдиқланган Тартибига мувофиқ биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) рўйхатдан ўтказилади;

биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) расмийлаштирилади ҳамда уларнинг муҳри билан тасдиқланади.

Импорт контрактида:

реал вақт режимида биржа савдоси ўтказилган сана;

биржа савдоси протоколининг тартиб рақами кўрсатилиши шарт.

Мазкур Тартибнинг 2-бандида санаб ўтилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ушбу маълумотларни имзолаган мансабдор шахслар жавоб беради.

Импорт контрактларининг тўғри расмийлаштирилиши учун уларни имзолаган томонлар жавоб беради.

Импорт контрактларининг биржада рўйхатдан ўтказилиши учун биржа жавоб беради.

(ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

6. Биржада рўйхатдан ўтказилган импорт контрактлари икки иш куни давомида уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида ёки унинг ҳудудий органларида ҳисобга қўйиш учун шахсан жўнатилади.

7. Божхона органлари биржа ёки унинг филиали (ихтисослаштирилган савдо майдончаси) брокерларидан импорт контрактларини рўйхат бўйича қабул қилиб оладиган масъул ходимларни белгилайди, контрактлар ҳисобга қўйилгандан кейин икки иш куни давомида биржа ёки унинг филиалига қайтарилиши керак. (ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

8. Импорт контрактлари божхона органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг тегишли банк муассасалари томонидан ижро этишга қабул қилинади. Биржада тузилган импорт контрактлари бўйича ҳақ тўлаш контракт асосида амалга оширилади. Факсимиль алоқа бўйича олинган ва биржа муҳри билан тасдиқланган шартномалар - топшириқлар, кафолат хатларидан фойдаланишга йўл қўйилади, кейинчалик асл нусхалари навбатдаги ўн календарь кун давомида тақдим этилади. (ЎзР ВМ 20.10.2011 й. 284-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

ЎзР ВМ 20.10.2011 й. 284-сон Қарорига мувофиқ 9-банд чиқариб ташланган

9. Биржаларда тузилган импорт контрактлари бўйича импорт битишуви паспорти биржа ҳисоб-китоб (клиринг) палатасида белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилади.

10. Импорт контракти тузилгандан кейин харидор уч банк куни давомида контрактда кўрсатилган тўлов шартларига мувофиқ, бироқ битишув суммасининг камида 15 фоизи миқдориди биржа ҳисоб-китоб (клиринг) палатасининг махсус счётига пул маблағлари ўтказилади. Тўлов факти божхона органида контрактни рўйхатдан ўтказиш учун етарли ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ёки унинг ҳудудий органилари томонидан рўйхатдан ўтказилган биржа импорт контрактлари бўйича товарни олиб келишда товарнинг келиб тушиш жойидаги божхона бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилади:

товарнинг келиб чиқишини тасдиқловчи сертификат;
юк божхона декларацияси.

Ўзбекистон Республикаси божхона органиларига тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун тегишли ҳужжатларни тақдим этган шахс жавоб беради.

12. Товар биржа импорт контрактлари бўйича Ўзбекистон Республикасига келиб тушгандан ва харидор томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатаси маблағларни Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси - сўмда сотувчи-норезидентнинг биржанинг ҳисоб-китоб (клиринг) палатасидаги ҳисоб рақамига ўтказилади, сотувчи улардан қуйидаги мақсадларда фойдаланиши мумкин:

биржалар ва биржаларнинг кўргазма-ярмарка савдоларида тузилган экспорт контрактларига ҳақ тўлаш учун;

биржа контрактларини тузиш ва бажариш билан бевосита боғлиқ бошқа хизматларга (воситачилик йиғими, брокерлик мукофоти, ташиш ва бошқалар) ҳақ тўлаш учун;

хорижий банкларнинг "ЛОРО" ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида очилган вакиллик ҳисоб рақамларига ўтказиш учун;

ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи бозорларда ватанимиз эмитентларининг акцияларини сотиб олиш учун;

давлат мулкига ҳақ тўлаш учун тўловларнинг белгиланган тартибда аралаш шаклини амалга ошириш учун;

кафолат таъминоти маблағларини тўлаган ҳолда биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун, шу жумладан жарима, пеня ва бошқа харажатларни тўлаш учун;

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси миқозининг ваколатли ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ҳолларда вакиллик харажатларини тўлаш учун;

норезидентнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш учун;

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси миқозини муассис ёки акциядор бўлган корхоналарнинг устав сармоясини шакллантириш ва тўлдириш учун;

суд харажатларига ҳақ тўлаш учун.

(ЎзР ВМ 29.05.2006 й. 96-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

Хукумат қарорларига киритиладиган ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида биржалар фаолиятини мувафиқлаштириш тўғрисида" 1992 йил 3 мартдаги 95-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 3-сон, 5-модда):

1-банднинг биринчи хат боши чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган биржаларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби 3-бандидаги "лекин 2500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда" сўзлари "лекин энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан кам ва юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорларида" сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарорига:

2-банднинг учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"импорт контрактларини ҳисобга қўйиш (товар-хом ашё биржаларида тузилганлари бундан мустасно) ваколатли банкларда икки иш кунида, импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларида - икки иш кунида, ҳужжатлар топширилган кундан ташқари амалга оширилади"; (ЎЗР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)

1-илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келиниши ёки резидентларга хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи барча битишувларга (товар-хом ашё биржаларида тузилганлари бундан мустасно) татбиқ этилади".

"Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами", 1999 й., N 5, 25-модда.